

UDC: 347.44 (042)(575.1)
ORCID: 0000-0001-6487-918X

МУОМАЛА ЛАЁҚАТИДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ТУЗИЛГАН БИТИМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ

Усмонова Мунисхон Йўлдош қизи,
Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,
e-mail: asinum57@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада битимлар, уларни тузиш тартиби ва шартлари, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари таҳлил қилинган. Ушбу муносабатлар қадимги Рим ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқида қай даражада ўз ечимини топгани икки ҳуқуқ тизимини таққослаган ҳолда ўрганилган. Муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан тузилган битимларнинг ҳуқуқий оқибатлари ва реституция масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган шахслар томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш масалалари, асос ва натижалари, бу борада олимларнинг турли ёндашувлари ҳам таҳлил қилинган. Мақолада Рим ҳуқуқининг ривожланиш босқичларида битим институтидagi ўзгаришлар ҳамда ислом динининг тўрт мазҳабида битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ва уларни бекор қилиш тартибидagi тафовутлар муҳокама этилган. Шу билан бирга, унда аёллар ва вояга етмаган шахслар битим тузишда томонлар сифатида иштирок этиши масалалари ҳам ўз аксини топган. Ислom ҳуқуқида тузилган битимни бекор қилиш учун фойдаланилган исботлаш воситалари ёритилган бўлиб, иқрорлик, гувоҳлик ва қасам тушунчаларига таърифлар берилган. Мақолада муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларга нисбатан васий ёки ҳомий тайинлаш масалалари ҳам ифода этилган.

Калит сўзлар: Рим ҳуқуқи, ислом ҳуқуқи, битимлар, бир тарафлама битим, икки тарафлама битим, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги, муомала лаёқати чекланганлиги, муомалага лаёқатсизлик, муомала лаёқатидаги нуқсонлар.

ГЕНЕЗИС РАЗВИТИЯ СДЕЛОК, ЗАКЛЮЧЕННЫХ В РЕЗУЛЬТАТЕ ОГРАНИЧЕНИЯ ДЕЕСПОСОБНОСТИ

Усмонова Мунисхон Йўлдош қизи,
преподаватель кафедры “Гражданское право”
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В статье анализируются сделки, порядок и условия их заключения, основания признания сделок недействительными. Эта взаимосвязь изучается путем сравнения двух правовых систем, в какой степени они разрешены в древнеримском и исламском праве. Особое внимание уделяется вопросам реституции, правовым последствиям сделок, заключенных лицами с ограниченными возможностями или недееспособными. Также анализируются вопросы, основания и последствия признания недействительными соглашений, заключенных лицами, не понимающими важности своих действий, а также различные подходы ученых в этом отношении. В статье рассматриваются изменения в институте договора на этапах развития римского права, а также

различия недействительности договоров в четырех сектах ислама и порядок их аннулирования. Кроме того, было отражено участие женщин и несовершеннолетних в качестве сторон соглашения. Также рассматриваются средства доказывания, используемые для признания соглашения недействительным в исламском праве, и даются определения признания свидетельских показаний и присяги. Также рассматриваются вопросы о назначении опекуна или попечителя в отношении недееспособных лиц.

Ключевые слова: римское право, исламское право, сделки, односторонние сделки, двусторонние сделки, недействительность сделок, ограниченная дееспособность, недееспособность, недостатки дееспособности.

THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF TRANSACTIONS CONCLUDED AS A RESULT OF DEFECTS IN THE LEGAL CAPACITY

Usmonova Muniskhon Yuldosh kizi,
Teacher of Civil Law Department of the
Tashkent State University of Law

Abstract. The article analyzes transactions, the procedure and conditions for their conclusion, the grounds for recognizing transactions as invalid. This relationship is explored by comparing the two legal systems, to what extent they are allowed in ancient Roman law and Islamic law. Particular attention is paid to the issues of restitution, the legal consequences of transactions concluded by persons with disabilities or incapacity. It also analyzes the issues, grounds and consequences of invalidation of agreements concluded by persons who do not understand the importance of their actions, as well as various approaches of scientists in this regard. The article examines changes in the institution of contract at the stages of development of Roman law, as well as differences in the invalidity of contracts in four sects of Islam and the procedure for their cancellation. In addition, the participation of women and minors as parties to the agreement was reflected. It also discusses the means of evidence used to invalidate an agreement in Islamic law, and provides definitions of confession, testimony and oath. It also addresses the issues of appointing a guardian or curator in relation to people with disabilities.

Keywords: Roman law, Islamic law, agreements, unilateral agreement, bilateral agreement, invalidity of agreements, limited legal capacity, incapacity for work, lack of legal capacity.

Кириш

Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири битимлар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ва савдо муносабатлари ривожланиб боргани сари жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилаётган битимларнинг турлари ҳам кундан кунга ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда XIX аср охири – XX аср бошларигача фуқаролик муносабатлари ислом ҳуқуқи билан тартибга солинган бўлса, Чор Россияси истилосидан сўнг Рим ҳуқуқига асосланган романо-герман ҳуқуқ тизими қоидалари амал қила бошлади. Битимларни тузиш, уларни тан олиш, ҳақиқийлигини эътироф этиш каби ма-

салалар шу ҳуқуқ тизими асосида ривожланди ва шаклланди. Ушбу мақоламизда қадимги Рим ва ислом ҳуқуқи давлатларида битимларни ҳақиқий эмас деб топиш масалалари таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу мақоланинг мавзусини ёритишда Д.В. Дождев, В.В. Струве, О.М. Пашева, О.А. Омельченко, О.С. Иоффе каби рус олимлари, С. Жобс, К. Жекман, Р. Моника каби бошқа хорижий мамлакатлар олимларининг асарларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда Бурҳониддин Марғинович, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Доктор Алий Муҳийуддин ал-Қорадоғий сингари ислом ҳуқуқининг буюк мутафаккирлари томонидан муомала лаёқатидаги

нуқсонлар оқибатида тузилган битимлар борасида билдирган фиклари таҳлил қилинди. Ўзбек олимларидан Р. Юсувалиева, З.Шомуҳаммедова, В.Топилдиев, С.Исхаков, Р. Раҳманов ва бошқаларнинг бу борда олиб борган татқиқотлари ўрганилди. Мақолада таққослаш-қиёслаш, анализ-синтез ва тарихий методлардан фойдаланилди.

Рим ҳуқуқи антик давр цивилизациясининг асосини ташкил этиб, континентал Европанинг романо-герман ҳуқуқ тизими мавжуд бўлган барча давлатлари учун пойдевор вазифасини бажарган. Рим ҳуқуқи нафақат фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар, балки бошқа ҳуқуқ соҳалари ривожига ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунга қарамай, қадимги Рим жамиятида дастлаб фундаментал ҳуқуқ соҳаси сифатида фуқаролик ҳуқуқи вужудга келди. Римда фуқаролик ҳуқуқининг энг асосий таркиби бўлган битимлар институти кенг қўлланилган бўлиб, уни тартибга солиш механизми ҳам ишлаб чиқилган. Айниқса, битим тузиш жараёнида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари – жисмоний шахсларнинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатли эмаслиги жиддий ўрганилган. Шунга қўра, тузилган битимлар муайян асослар бўйича ҳақиқий ёки ҳақиқий саналмаслиги мумкин бўлган.

Замонавий Рим ҳуқуқи олимлари Рим ҳуқуқи илмини ўрганиш учун XII жадвал қонунлари (*Leges duodecim tabularum*), Гай институтлари, Флорентина, Марциана, Ульпиан ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар фикрлари, император Юстиниан даврида ишлаб чиқилган кодекс, дигест, институция ва новеллалар асосий манбалар бўлиб ҳисобланишини таъкидлайди [1. 13-б.].

Рим ҳуқуқининг ривожланиш даврида битимлар, уларни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари, ҳақиқий саналмайдиган битим турлари ва уларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари тобора такомиллашиб борган. Мисол учун, битимлар тузиш, низолар келиб чиққан вақтда уларни

бартараф этиш дастлаб оғзаки шаклдаги одат ҳуқуқи нормаларига таяниб амалга оширилган бўлса, милoddан аввалги 451-450 йилларда XII жадвал қонунлари ишлаб чиқилганидан сўнг мамлакатдаги ижтимоий муносабатлар у орқали тартибга солинган. Қадимги Рим тарихчиси Тит Ливийнинг таъкидлашича, XII жадвал қонунлари оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг манбаси ҳисобланади (*fons omnis publice privatique... iuris*). Унда кундалик ҳаётда мавжуд бўлган барча муносабатлар: оила, мерос, мол-мулк, муомала лаёқати, битимлар, шартномалар, ердан фойдаланиш, судда ишни кўриш ва содир этилган жиноятлар учун жазо масалалари ўз аксини топди.

Жумладан, XII жадвал қонунларининг V жадвали муомала лаёқати ва бир томонлама битим ҳисобланган васиятномаларга бағишланган бўлиб, унда кимки ўлимидан кейин ўз хўжалиги ва қарамоғи остидагиларга кўрсатмалар қолдирган бўлса, бу кўрсатмалар таъминланиши айтиб ўтилган [2]. Бунда, албатта, васиятнома қолдирган шахснинг муомала лаёқатига эгаллиги ва ўз ҳаракатларини тушуна оладиган ҳолатда бўлиши назарда тутилган. Шунингдек, агар инсон ақлдан озса, унинг ва мулкининг устидан назоратни ота томондан қариндошлари (агнатлари) ёки туғишганлари олиши белгиланган. Муомала лаёқатидаги нуқсон оқибатида тузилган васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши тўғрисидаги қоидалар бугунги кунда ҳам турли даврларнинг фуқаролик кодексларида мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1130-моддасида, Россия Федерацияси ФКнинг 1131-моддасида, Қозоғистон Республикаси ФКнинг 1056-моддасида, Украина ФКнинг 1257-моддасида шундай ҳолат акс этган. Шу билан бирга, жадвалдаги васиятномага оид қоидалардан машхур Наполеон кодексини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилган [3, 56-б.].

XII жадвал қонунларининг VI жадвали битимлар, шартномаларга бағишланган бўлиб, унда қуйидаги изоҳ келтирилган: “Агар кимдир ўзини гаровга қўйиш ва нарсани бегоналаштириш битимини 5 гувоҳ ва тарозибон иштирокида тузса, бунда айтилган сўзлар узилмас деб ҳисоблансин” [4, 22-б.]. Яъни гаров шартномаси бешта гувоҳ иштирокида тузилса, у ҳақиқий ҳисобланган ва бу борада ҳеч қандай шубҳа бўлмаган. Шу билан бирга, VI жадвалга асосан, битим тузилаётганда айтилган сўзларни келтириш етарли исбот саналган. Ўз сўзларидан тонганлар икки карра жаримага солинар эди [5, 7-9-б.]. Битим тузишда иштирок этган гувоҳлар тарафларнинг муомала лаёқатига эга ёки эга бўлмагани юзасидан низо келиб чиққан ҳолатларда кўрсатма беришлари шарт бўлган. Таъкидлаш лозимки, Рим ҳуқуқи манбаларида битим ва шартнома алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Буни гаров шартномасининг асосий қўлёзмаларда гаров битими деб қайд этилганида кўришимиз мумкин.

Юстиниан даврида (527-565 йиллар) битимларнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги шартлари илк маротаба Рим ҳуқуқшунос-олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, битим қуйидаги шартларга жавоб бермаса, ҳақиқий ҳисобланмаган:

- 1) тарафлар розилиги ва ўз хоҳиш-иродасини ифода эта олиши;
- 2) шартнома предметининг мавжудлиги;
- 3) шартнома асосининг (мақсади) мавжудлиги;
- 4) шартнома тузиш учун субъектларнинг муомала лаёқатига эга экани [6, 103-б.].

Ҳамма шартномалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тан олинавермаган. Ҳуқуқий жиҳатдан тан олинадиган шартномалар зарурий белгилардан, яъни ҳуқуқий лаёқатга эга субъектлар ўртасидаги муайян предмет бўйича қонун томонидан белгиланган шаклда эришилган келишувдан иборат бўлган.

Агар қонунда кўрсатилган белгилардан биронтаси йўқ бўлса, бу ҳолда шартномаларнинг ҳақиқий эмас деб тан олиншига асос бўлган. Ҳақиқий эмас деб тан олинши даражасига қараб шартномалар мавжуд бўлмаган, мутлақ ҳақиқий эмас ва нисбий ҳақиқий эмас деб тан олинган шартномаларга бўлинган [7, 76-б.]. *Мавжуд бўлмаган шартномаларга (negotium nullum)* ижро этилиши мумкин бўлмаган ёки шартнома шакли тўғрисидаги қоидаларга амал қилинмаган шартномалар кирган. Бундай шартномалар ҳеч қандай ҳаракатга эга бўлмаган. *Мутлақ (абсолют) ҳақиқий эмас (negotia irrita)* деб тан олинган шартномаларга ҳуқуқий лаёқатга эга бўлмаган шахслар томонидан тузилган, мумкин бўлмаган престацияни мақсад қилган ва ҳуқуққа ҳамда ахлоққа зид равишда тузилган шартномалар кирган. Мутлақ ҳақиқий эмас деб тан олинган шартномалар ёки уларнинг сабаби аниқланса, улар тузилиш пайтидан бошлабоқ ҳақиқий эмас, деб тан олинган ва ҳеч қандай ҳуқуқий таъсирга эга бўлмаган. *Нисбий ҳақиқий эмас деб тан олинган ёки бузилган шартномалар (negotia rescindibilia)* судья томонидан манфаатдор шахс талаби билан бекор қилинган. Бундай шартномалар қаторига янглишиш, алдов ёки кўрқитиш билан тузилган шартномалар, муомала лаёқатидаги нуқсон оқибатда тузилган шартномалар, шунингдек, вояга етмаган шахсларга зарар келтирадиган шартномалар кирган [7, 77-б.].

Рим ҳуқуқида битим ҳақиқийлигининг биринчи шarti тарафларнинг битим тузишга розилиги ва ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши ҳисобланган. Лекин унинг асосини ташкил этувчи жиҳатлар борасида олимлар турлича қарашларга эга бўлиб, улар бир-биридан фарқланади. Қадимги Рим энг қадимги даврдан то Юстиниан давригача шахсларнинг битим тузишга розилиги расмий усул сифатида баҳоланган ва шахснинг келишув тузишга бўлган ҳақиқий хоҳишининг тасдиғи деб ишонил-

ган. Шахс ҳақиқатда битим тузишга рози ёки рози эмаслиги эмас, балки битимни тасдиқлаши ва иродасини ифода этиши муҳим аҳамият касб этган. Томонлар шартномани олиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун нима сабабдан ушбу шартнома тузилаётганини ва қандай масалаларни ўзида акс эттирганини билишлари керак эди. Бироқ ирода назарияси тан олинган бўлса ҳам классик даврдан кейинги давргача иккинчи даражали эди. Шартномани тузишда томонлар аслида нимани назарда тутгани ҳақидаги саволга ойдинлик кириштишга бўлган қизиқиш фақат ирода ифодаси аниқ бўлмаганда пайдо бўлди. Васиятноманинг аҳамияти ниҳоят Юстиниан даврида ўрнатилган қоидалар асосида ўрганилди. Бу даврда томонларнинг айтганлари шунчаки эътиборга олинмади, балки улар нимани назарда тутгани ҳам муҳим масалага айланди.

Рим ҳуқуқи бўйича олим О.А. Омельченко бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Шартноманинг тузилганини билдирувчи энг муҳим жиҳат шахснинг ўз иродасини ифода эта олишидир. Бунда томонларнинг келишуви - икки шахснинг хоҳиш-иродаси бир мавзудаги кесишув комбинациясини англатади” [8, 96-б.]. Шахс вояга етган ва ўз иродасини ифода эта олса, яъни муомала лаёқатида ҳеч қандай нуқсон бўлмасагина шартнома тузиши мумкин бўлган.

Цицероннинг кўчирмаларидан кўришимиз мумкинки, битим тузиш пайтида шахс ўз иродасини билдира олиши билан боғлиқ амалий муаммолар келиб чиқа бошлаганидан сўнг шартнома ёки васиятномаларни тузиш билан шуғулланадиган ҳуқуқшуносларнинг алоҳида синфи шакллана бошлади ва улар томонидан шахсларнинг битим тузиш жараёнида муомалага лаёқатлилиги ҳам текширилди [9]. Турли шартномалар ва васиятномалар тузишда кўплаб хатоликларга йўл қўйилган ва натижада низолар келиб чиққан. Бунинг

олдини олиш мақсадида битимлар алоҳида шахслар томонидан ёки идораларда расмийлаштирилиши тавсия этилган. Бундай шахсларни бугунги кундаги нота-риуслар деб ҳам олсак бўлади.

Юридик амалиётда мерос қолдирувчининг васиятномаси васият қилувчининг ўз эрки билан ёзилганми, унинг ҳақиқий иродасини акс эттирганми, деган саволлар юзасидан кўплаб тортишувлар бўлиб турган. Шундан сўнг претор амалиётида ҳам, обрўли юристларнинг асарларида ҳам “васиятчининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ва эътиборга олиш лозим”, деган муҳим қоида қабул қилинган [10, 100-б.].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Рим ҳуқуқида битимларни ҳақиқий саналиши учун тарафлар *муомала лаёқатига* эга бўлишлари шарт бўлган. Муомала лаёқати деб ўз номидан ва ўз хоҳиши билан ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш ва шахсан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш лаёқатига эгалик тушунилган. Муомала лаёқати ҳам шахснинг жинси, ёши ва ақлан расолигига қараб тарафлари ёки кенгайиши мумкин бўлган. Ҳуқуқий лаёқатга (*capacitas juridicara*) эга бўлган жисмоний шахслар муомала лаёқатига (*capacita agendara*), яъни ўз номидан ва ўз хоҳиши билан ҳуқуқий муносабатларга киришиши ҳам, содир этган ҳуқуқбузарлиги (деликти) учун шахсан жавоб бериш имкониятига эга бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган. Мисол учун, Тиций ўз отасидан қолган меросни қабул қилиши мумкин, лекин руҳий касаллиги туфайли уни бошқариш қобилиятига эга эмас.

Қадимги Римда ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмайдиган, уларни идора қила олмайдиган, руҳий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолган шахсларнинг муомала лаёқати чекланган. Бундай шахсларнинг ҳолати идиотизм (*dementia, amentia*) ва қутуриш (*furor*) белгилари билан кечса, улар касаллик пайтида муомала лаёқа-

тидан махрум бўлган, соғ бўлган пайтда муомала лаёқатига эга бўлган. Керагидан ортиқ сарф-харажат қилиб юборадиган шахслар (*prodigi*), яъни мерос мулкни ўйламасдан исроф қиладиган ва бу ҳаракатлари билан оиланинг моддий аҳволига зарар етказадиган шахслар ҳам чекланган муомала лаёқатига эга ҳисобланган. Уларнинг муомала лаёқати, мазмунига кўра, (*impuberes infantia majores*) муомала лаёқати чекланганлар билан тенглаштирилган. Баъзан жисмоний камчилиги мавжуд бўлган шахсларнинг муомала лаёқати ҳам (фақат доимий жисмоний камчилиги туфайли бажарилиши мушкул бўлган ҳуқуқий ҳаракатлар тўғрисида гап кетганда) чекланган. Бундай шахсларга нисбатан васийлар тайинланган.

Руҳий касаллар ҳар доим касаллик ҳолатида бўлса, уларнинг муомала лаёқати тўлиқ чекланган (*amentes, mente capti*), руҳий касаллар вақти-вақти билан соғ ҳолатда бўлса, шу даврда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлганлар (*furiosi cum lucidis intervallis*). Васийлари (*liberam administrationem bonorum*) руҳий беморларнинг мулкни эркин бошқариш ҳуқуқига эга бўлган [11, 56-б.]. Руҳий касал ва жисмоний носоғлом шахс 25 ёшдан кичик ёхуд 70 ёшдан катта бўлса, унинг муомала лаёқати претор томонидан текшириб тасдиқланган. Ҳаттоки ревматизм ва эпиплексияга чалинган фуқарони ҳам муомала лаёқати чекланган деб ҳисоблаш мумкин бўлган [12].

Рим ҳуқуқида муомала лаёқатидаги нуқсонлар оқибатида тузилган битим, яъни битим тузиш жараёнида шахс ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушунмаган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган бўлса ва бу исботланса, реституция қўлланилган [13, 224-б.]. Реституция уни талаб қилаётган шахснинг асослари бўлса (яъни шартноманинг қўрқитиш, алдаш ёки янглишиш, муомала лаёқатида нуқсон бўлган ҳолда ва бошқа усулларда ту-

зилганини исботласа) амалга оширилган. Кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолда претор уларни асосли деб топса, содир этилган ҳаракат бўйича юридик оқибатлар тўхтатилади ва дастлабки ҳолатига ҳамма ҳаракат қайтарилади ёки қайтадан тикланади. Мисол учун, илоҳий биродарлар Маркус Аврелий ва Луций Верус даврида Рутлий Северус исмли эр ўзининг рафиқаси руҳий жиҳатдан носоғлом бўлгани учун унга васий бўлган ва рафиқаси соғлиғини йўқотганидан сўнг тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун преторга мурожаат қилган. Бу ҳақда Ульпиан ўзининг асарида ғайриоддий, аммо жуда асл ҳолат эканини ёзиб тушунтиради.

Рим ҳуқуқи билан бир қаторда ислом ҳуқуқида ҳам битимлар, айниқса, савдо битимлари алоҳида ўрганилган. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари бўлган Қуръони Карим, ҳадис, ижмо ва қиёсларда турли битимлар ҳақида гап кетган: васиятнома, савдо битими, кафиллик ва гаров шартномалари. Битим сўзи арабчада “боғлаш”, “мустаҳкамлаш”, “тугиш”, “мақсад”, “жамлаш”, “аҳдлашиш” каби маъноларни ифода этади [14]. Шариат истилоҳида битим деб инсон вафо қилишга аҳдлашган ҳар бир мажбуриятга айтилади. Шунингдек, таклиф ва қабул асосида икки тарафда ҳосил бўладиган мажбуриятлар ҳам битим дейилади. Битим савдо-сотикларда бўлгани каби асосан икки томонлама бўлиши мумкин. Бир томонлама битимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар назр қилиш, талоқ бериш ва қасам ичиш кабилардан иборат. Шунингдек, Аллоҳ билан бандалар аҳдлашуви ҳам битим дейилади. Исломда битим предмети сифатида бирор-бир ҳаракат бўлиши шарт эмас, балки ҳаракатсизлик ёки бирор-бир ҳаракатни содир этишдан тўхташ ҳам бўлиши мумкин. Ислом ҳуқуқида назр қилиш (бирор хатти-ҳаракатни оқибатига боғлаб, Аллоҳ номи билан ичилган қасамга риоя қилиш. Мисол учун, ўқишга кирсам шу масканга бир қўй атадим деса,

ўқишга кириши билан унга бир қўй сўйиш ёки мазкур масканга ҳада қилиш вожиб бўлади) каби бир томонлама битимлар, ичган қасамига кўра ўз мулкани садақа ёки вақфга бериб юборишга олиб келадиган битимлар ҳам учрайди.

Фикҳ фанининг иқтисодиётга оид битимлари, асосан, қуйидаги битимлардан иборат: савдо-сотик билан боғлиқ битимлар, ижара битими, сулҳ битими, мусоқат, яъни ерни суғориш билан боғлиқ битимлар, ширкат, вадиъа, яъни омонат олиш ва қўйиш билан боғлиқ битимлар, қарз битими, сарф, яъни пуллар савдосига оид битимлар, ваколат битими, музораба, яъни бир томондан меҳнат, иккинчи томондан эса маблағ сарфланиши шарти билан тузилдиган битимлар, музораъа, яъни деҳқончилик касбига оид битимлар ва васият битим каби битимлар.

Ислом динида тўрт мазҳаб мавжуд бўлиб, ҳанафий мазҳаби уломлари фикрича, битимлар шаръий ёки ношаръий, яъни қонуний ёки ноқонуний эканига қараб уч турга бўлинган:

– биринчиси, саҳих, яъни соғлом битимлар. Буларга битим учун қўйилган рукн, шарт ва талаблар тўла топилган қонуний битим киради;

– иккинчиси, фосид, яъни ярим ноқонуний битимлар. Буларга битимнинг соғлом бўлиши учун қўйилган рукнлар топилиб, шарт ва бошқа талаблари топилмаган, қонунийлиги чала бўлган битимлар киради;

– учинчиси, ботил, яъни умуман ноқонуний бўлган битимлар киради. Буларга битим соғлом бўлиши учун қўйилган рукн, шарт ва талаблари топилмаган, мутлақо ноқонуний бўлган, бекор битимлар киради [15, 149-б.].

Қолган уч, яъни шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблар уломлари битимларни шаръий ёки ношаръий, яъни қонуний ёки ноқонуний эканига қараб икки турга бўлган, холос. Булар саҳих, яъни соғлом битимлар ва фосид ёки ботил, яъни ноқону-

ний битимлардир. Улар ҳанафий мазҳаби уломлари каби ношаръий, яъни ноқонуний битимларни фосид ёки ботил битимларга ажратишмаган. Улар “ушбу икки сўз синоним сўзлар бўлиб, бир маънони ифода этади”, деган.

Ҳар бир битимнинг соғлом ва қонуний бўлиши учун қўйилган рукн ва шартлар мавжуддир. Рукн сўзи арабча бўлиб, “асос”, “таянч”, “устун” каби маъноларни ифода этиб, бирор нарсанинг айни ўзи, моҳияти ва ҳақиқатидан бир қисми бўлган нарсага айтилади. Бу дегани, рукн мавжуд бўлса, нарса ҳам мавжуд бўлади. Агар нарсанинг рукни бўлмаса, у ҳолда ўша нарса ҳам бўлмайди. Мисол учун, савдо битимининг рукнлари сифатида сотувчи, сотиб олувчи, сотилмиш нарса ҳамда томонларнинг “сотдим” ва “олдим” деган сўзларини келтириш мумкин. Агар ушбу рукнлар мавжуд бўлмаса, савдо битими ҳам мавжуд бўлмайди. Фикҳ фанининг мужтаҳид уломлари наздида битимлар ва битим тузувчилар билан боғлиқ шартлар икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси, шариат томонидан битимга қўйилган шартлар. Масалан, битим объекти бўлган мол аниқ бўлиши, мол шариат рухсат берган моллардан иборат бўлиши шартлари кабилар. Иккинчиси, битим тузиш вақтида томонларга ёки улардан бирига қўйилган шартлардир.

Битимларнинг энг асосий элементлари бу “ақд” ва “ийқоъ” ҳисобланади. Ақд икки ё ундан ортиқ шахснинг ўзаро келишиб оғзаки ёки ёзма ҳолда ўзларига эркин мажбуриятни олишидир. Ийқоъ эса бир томоннинг талаби билан бўладиган бир томонлама битимдир. Ўзга шахсларнинг хоҳиш-иродаси бундай битимларнинг тузилишига таъсир этмайди. Ийқоъга талоқ, назр, қасам киради [16, 219-б.].

Битим тузувчи томонларга тенг қўйилган шартлардан бири шуки, ақли ва балоғат ёшига етган, муомалага лаёқатли шахслар бўлиши керак. Шайх Муҳам-

мад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Усул ул-фиқҳ” асарида исломда битимлар томонларнинг ўзаро розиликлари асосида тузилишини, томонлар ўз розиликлари ва хоҳишларини эркин билдирадиган ҳолатда бўлишлари лозимлиги, шу билан бирга, мажбурлов остида юзага келган битим ноқонуний ҳисобланишини таъкидлаган [17, 275-б.].

Шунинг учун битим тузиш жараёнида *битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар* мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ўрганилган. Розилик билан боғлиқ айблар деганда битим тузиш учун зўрлаш, мажбурлаш ҳолатлари, томонлардан бирининг ёлғон ишлатиб, иккинчисини алдаши, шахс ўз ҳаракатларини тушуна олмайдиган вазиятда бўлиши каби ҳолатлар тушунилади.

Мўътабар тўрт мазҳаб мужтаҳид уламолари томонидан мажбурлашнинг, шахс муомала лаёқатига эга эмаслигининг битимларга таъсири ҳақида кўплаб илмлар баён қилинган. Ҳанафий мазҳаби уломаларининг таъкидлашича, савдо, ижара кабилар билан боғлиқ, кейинчалик бузиш, бекор қилиш мумкин бўлган битимларга битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар таъсир қилади. Мисол учун, шахс зўрланиб, ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушунмай савдо ёки ижара битими тузган бўлса, кейинчалик шу битимни бекор қила олади. Чунки у мазкур битимни зўрланиб ёки ҳаракатларини бошқара олмай тузган эди. Шу боис, ушбу таҳдид кетгач ёки шахс ўзига келгач, ихтиёрли бўлади. Хоҳласа битимни бекор қилади, хоҳласа давом эттиради. Битим тузишга рози қилиш билан боғлиқ айблар таъсир қилади, дегани шудир.

Никоҳ, талоқ каби бузиш имкони йўқ битимларда эса мажбурлаш ва шахс ўз ҳаракатларини тушунмай қолиши битимга таъсир қилмайди. Қолган уч мазҳабда эса мажбурлашнинг барча битимларга таъсири бор. Яъни барча битимларда ихтиёр ва розилик топилмас экан, у инobatга олинмаслиги айтилган [15, 150-б.]. Савдо би-

тимлари, ижара битимлари билан никоҳ ва талоқ битимларининг фарқи шундаки, савдо, ижара каби битимларда битим объекти ашёлар бўлади. Бундай битимларни бузиш инсон қисмати, унинг шахси ва ҳаётига бевосита таъсир қилмайди. Шу боис, савдо ва ижара битимларини тузгандан сўнг дарҳол уни бекор қилиш, бузиш имкони мавжуд бўлиб, бошқа нарсага боғлиқ бўлмайди. Никоҳ ва талоқ битимларида эса битим объекти қандайдир ашёлар эмас, инсон ва унинг қисмати бўлади. Мисол учун, томонлар ўзаро рози бўлиб, никоҳ битими тузилгач, улар эр-хотинга айланади. Бир-бирига ҳалол бўлади. Энди ушбу никоҳни бузиш имкони йўқ. Чунки унга талоқ керак. Талоқни ҳам бузиш, уни тўхтатиш имкони йўқ. Чунки муомалага лаёқатли мусулмон одам хотини томон талоқ лафзини оғзидан чиқарса, шу онда воқе бўлади. Энди уни бекор қилишнинг имкони йўқ. Чунки бунга янгидан қайтиш ёки янги никоҳ керак.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи вассалам: “Барча талоқ жоиздир, фақат эси йўқнинг – ақлини йиғиштира олмайдиганнинг талоғи мустасно”, дедилар”. Термизий ва Бухорий ривоят қилишган. Туғма ҳолда эсипаст бўлиб, нима қилганини ажрата олмайдиган кишининг талоғи тушмаслиги ушбу ҳадисдан олинган. Аммо бир одамнинг эси ўз ихтиёри билан ила қилган тасарруфи туфайли кетган бўлса, мисол учун, маст қилувчи ичимликлар ичгани учун эсини йўқотган бўлса, талоғи тушади. Уламолар: “Даво учун истеъмол қилинган нарсадан маст бўлиб, қилган ишини, айтган гапини эслай олмайдиган даражага бориб қолган одамнинг оғзидан талоқ чиқса талоғи тушмайди”, деганлар. Қолган ҳолларда эса тушади. Аммо баъзи уламолар, жумладан, ҳанафий фуқаҳолардан имом Зуфар, имом Тоҳовий ва имом Кархий: “Айтган гапини эслай олмайдиган даражадаги мастнинг талоғи тушмайди.

Чунки бундай одам жиннининг ўзидир. Маст бўлгани учун эса шариятда алоҳида жазо белгиланган. Қозининг ҳукми ила кўпчилик ичида унга дарра урилади”, дейишган. Шунингдек, қаттиқ ғазаб туфайли ақли бошидан учган кишининг талоғи тушмайди. Бу ғайриихтиёрий бир ҳолат бўлиб, фуқаҳоларимиз: “Осмон билан ернинг фарқига бормайдиган даражада аччиғи чиққан одамнинг талоғи тушмайди”, деганлар [18, 436-б.].

Ижара битими икки томоннинг розилиги ва ижара қилинган нарса низони ман қиладиган даражада маълум бўлиши шартлиги асосида тузилади [19, 187-б.]. Ботил савдо сиртдан савдога ўхшаб кўринса ҳам савдо бўла олмайди ва асло мулкни ифода қила олмайди. Мисол учун, вояга етмаган ёш бола ёки жинни одамнинг савдоси ёки мол ҳисобланмайдиган ўлимтикнинг гўшти ва ароққа ўхшаш нарсалар савдоси ботил савдо бўлади [19, 92-б.].

Ислом ҳуқуқига кўра, шахс балоғат ёшига етгандан сўнг муомала лаёқатга эга деб топилади. Рим ва англосаксон ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, исломда эркаклар 15 ёш, аёллар 9–10 ёшда (баъзи иссиқ ўлкаларда ушбу ёшда қизлар балоғатга етади) муомала лаёқатига эга ҳисобланади. Аббосийлар халифалиги давридан қуллар ҳуқуқ субъектлари ҳисоблана бошланди. Қуллар хожасининг рухсати билан турли битимларни туза олганлар, ўзларига бўлажак қаллиқ танлай олиш, бундан ташқари, мерос қолдириш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар [20].

Ислом ҳуқуқига шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда битим тузган бўлса, ушбу битимни бекор қилиш учун ҳақиқатда ҳам ушбу ҳолатга гувоҳ бўлган шахсларни қозига тақдим этиши лозим бўлган [21, 253-б.]. Бунда қози қарорини на ички ишончи, на шахсан ўзигагина маълум бўлган маълумотлар билан (гувоҳларни рад этиш масаласидан ташқари) асосламоғи лозим бўлган. Да-

лилларнинг устун турувчилари, атрофлича тартибга солинганлари гувоҳлик кўрсатмалари ҳисобланган, ёзма кўрсатмалар иккинчи даражали бўлган [22].

Ислом ҳуқуқига қози хузурига келган ёки келтирилган томонлардан бири ўз сўзига тўртта гувоҳ келтириши талаб қилинса, иккинчи томоннинг эса ҳеч гувоҳи бўлмаган ҳолда ҳам адолат юзасидан қасам ичиб айтган сўзлари эътиборга олинади. Суд фаолиятида исботнинг учта тури мавжуд бўлган бўлиб, улар иқрор, гувоҳлик ва қасамдан иборат эди [23].

Вояга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг васиятлари, агар у санъат билан мос келмаса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар бу улар томонидан болалик даврида ва қобилиятсизлик даврида қилинган бўлса, унда балоғат ёшига ва муомала лаёқатига этишгач, ўзларининг хоҳиш-иродаларини тасдиқлашлари керак, акс ҳолда уларнинг иродалари аҳамиятсиз бўлади [24].

Хулосалар

Рим ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқига битимлар ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш масалаларини тақоссаш ёрдамида ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, Рим ҳуқуқига ҳам, ислом ҳуқуқига ҳам шахс битим тузиши учун ўз хоҳиш-иродасини ифода эта оладиган ва муомала лаёқатига эга бўлиши лозим.

Иккинчидан, Рим ҳуқуқига битимлар ҳақиқийлигига кўра 2 турга - ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинган. Ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмаган, мутлақ ҳақиқий эмас ва қисман ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинган. Ислом ҳуқуқига битимлар саҳиҳ ва носаҳиҳ битимларга (ҳақиқий ёки ҳақиқий бўлмаган) ажратилган. Лекин носаҳиҳ битимлар борасида ҳар бир мазҳаб уламолари турлича фикр билдирганлар. Ислом динининг ҳанафий мазҳаби олимлари носаҳиҳ битимларни ботил ва фосид битимлар ташкил этади, деб ҳисоблаган

бўлсалар, қолган уч мазҳаб – шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблар уламолари томонидан ботил ва фосид битимлар бир маънони англатиши айтиб ўтилган.

Учинчидан, ҳар икки ҳуқуқ тизимида ҳам ашёлар билан боғлиқ бўлган икки томонлама битимлар муомала лаёқатидаги нуқсонлар оқибатида тузилган бўлса, кейинчалик бекор қилиниши мумкин бўлган. Лекин ислом ҳуқуқида бир томонлама битим ҳисобланган назр қилиш, талоқ бериш ва қасам ичиш кабилар муомала лаёқатидаги нуқсон оқибатида амалга оширилган бўлса-да, бекор қилинмаган.

Тўртинчидан, Рим ҳуқуқида ҳатто бот (ревматизм) касаллиги билан оғриган шахсларда муомала лаёқати чекланган бўлса, ислом ҳуқуқида бундай қоида мавжуд бўлмаган.

Рим ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси такомиллаштирилиши учун қуйидаги таклифларни берамиз:

1. ФКнинг 121-моддаси (ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги) 3-қисми қуйидаги жумлалар билан тўлдирилиши лозим:

Кейинчалик муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимни, агар битимни тузиш пайтида фуқаро ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги исботланган бўлса, унинг ҳомийси қилган даъвога мувофиқ суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Чунки ушбу моддада кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари инобатга олингани ҳолда кейинчалик муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга эътибор қаратилмаган. Ушбу таклиф моддада мавжуд бўшлиқни тўлдириш учун берилмоқда.

2. ФК 134-1-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича талқин этилиши ло-

зим: *Хоҳиш-ирода, билим, билиш мажбуриятидаги нуқсонлар*

Агар хоҳиш-ирода ифодаланишининг ҳуқуқий оқибатларига муайян вазиятларда хоҳиш-ирода, билим, билиш мажбуриятидаги нуқсонлар таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ваколат берувчининг эмас, вакилнинг шахси ҳисобга олинади.

Агар ишончнома бўйича ваколат берилган вакил ишончнома берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилган бўлса, ишонч билдирувчи вакилнинг ишонч билдирувчига маълум бўлган ҳолатларни билмаслигига ҳавола қилишга ҳақли эмас.

Сабаби, ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил ҳар доим ҳам кутилган ва умид қилинган натижани юзага келтирмадлиги мумкин. Бундай ҳолларда эътирозлар билдирилганда ва муайян соҳада етарлича ҳаракат қилмаганлиги, тегишли билим ва малакага эга эмаслиги борасидаги талаблар билдирилганда вакилнинг шахси ҳисобга олиниши лозим. Чунки бу вазиятда вакил ҳаракат қилган ҳисобланади. Бироқ бу ҳолат ишончнома берувчи вакилга нисбатан ўз билган нарсаларни билмаслик бўйича эътироз билдиришга ҳақли эмас. Бундай қоидалар Германия ва Туркменистон қонунчилигида белгиланган.

3. ФК 124-1-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича талқин этилиши лозим: *Битимни услоҳ қилиш*

Агар ҳақиқий бўлмаган битим бошқа битим учун назарда тутилган талабларга мос келса ва битимнинг ҳақиқий эмаслигини билган тарафлар унинг ҳақиқий бўлишини хоҳласа, бундай битимга нисбатан бошқа битим талаблари қўлланилади.

Грузия ФКнинг 60-моддаси, Туркменистон ФКнинг 85-моддасида битимни конверсиялаш, яъни ҳақиқий бўлмаган битим моҳиятан бошқа тизим талабларига мос келганда, уни тарафларнинг хоҳиши билан шу битим талабларида ҳақиқий деб топишга оид қоида белгиланган. Мазкур қоидани ФКга киритиш фойдадан холи бўлмайди.

REFERENCES

1. Dojdev D.V. Rimskoe chastnoe pravo [Roman private law]. Moskow, INFRA M – NORMA Publ., 1997, 704 p.
2. Metus in the Roman law of obligations. Available at: https://www.researchgate.net/publication/29807014_Metus_in_the_Roman_law_of_obligations/ (accessed: 01.02.2021).
3. Kodeks Napoleona. Istoriko-pravovoy aspekt [Code Napoleon. Historical and legal aspect]. V.A. Bogonenko. Minsk, A.N. Varaksin Publ., 2014, 244 p.
4. Xrestomatiya po istorii Drevnego mira [Reader on the history of the Ancient world]. Vol. III, Rim. Acad. V. V. Struve Ed., Moscow, 1953, 420 p.
5. Pamyatniki rimskogo prava: Zakoni XII tablis. Institusii Gaya. Digesti Yustiniana [Monuments of Roman law: Laws of the XII tables. Guy's Institutions. Digests of Justinian]. Moscow, Zertsalo Publ., 1997, 608 p.
6. Rimskoe pravo : kratkiy kurs leksiy [Roman law: short course lectures]. O.M. Pashayeva. Series: I want to pass everything! 2nd ed., Moscow, Publishing House Yurait, 2013, 157 p.
7. Yusovalieva R. Rim huquqi [Roman law. Textbook]. Tashkent, UWED, 2008, 300 p.
8. Omelchenko O.A. Rimskoe pravo [Roman law. Caperites]. Moscow, TON - ostezhe Publ., 2000, 208 p.
9. The Theory and Institutes of Roman Law from a Historical Aspect. 2018, p. 18.
10. Shomuhamedova Z.Sh. Rim xususiy huquqi [Roman private law. Textbook]. The completed reinstall. Tashkent, TSUI Publishing House, 2010, 140 p.
11. Ioffe O.S., Musin V.A. Osnovi rimskogo grajdanskogo prava [Basics of Roman Civil Law]. Leningrad, Leningrad university Publ., 1975, 156 p.
12. Forgotten Books is a London-based book publisher. Available at: www.forgottenbooks.com/.
13. Rim huquqi [Roman law]. A textbook for higher education institutions of the Ministry of Internal Affairs. S. Iskhakov, V. Topildiev, A. Rakhmanov. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2012, 224 p.
14. "Lison ul-arab", "al-Qomus al-muhit" va "al-Mu'jam al-vasit" [Lison ul-arab, al-Qomus al-environment and al-Mu'jam al-wast] dictionary books.
15. Doktor Aliy Muhiyuddin al-Qoradog'iy. Islomda mol-mulk va bitimlar haqida saboqlar [Lessons on property and transactions in Islam]. Translated by N. Pozilov. Tashkent, Gafur Gulom Publishing House, 2017, 204 p.
16. Dinshunoslik. Islom huquqi [Theology. Islamic Law]. Textbook. A. R. Rakhmanov, A.V. Narbekov, Editor-in-Chief: Yu.f.d. N. P. Azizov. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2019, 284 p.
17. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Usul ul-Fiqh. Tashkent, Nilol-Nashr Publishing House, 2019, 592 p.
18. Kifoya [Enough]. 2-juz / Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. tashkent, Sharq, 2011, 536 p.
19. Kifoya [Enough]. 3-juz / Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Tashkent, Sharq, 2011, 600 p.
20. Marg'inoniy B. "Al-Hidoya fil-furu", 2-juz.
21. Islamskoe pravo [Islamic law]. Tashkent, TSUL Publ, 2003, 510 p.
22. Locating the shari'a : legal fluidity in theory, history and practice. Edited by Sohaira Z.M. Siddiqui
23. Ijma' Mairaj Syed The Oxford Handbook of Islamic Law Edited by Anver M. Emon and Rume Ahmed Subject: Law, Jurisprudence and Philosophy of Law Online Publication Date: Dec 2017. DOI: 10.1093/oxfordhb/9780199679010.013.33/.
24. The Essence of Islamic Law by Robert D. Crane, Esq. Former legal counsel to the American Muslim Council (AMC). This essay was first published in the AMC's 1995-96 Muslim Legal directory. The Journal gratefully acknowledges the permission of AMC to republish this work.